

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан  
кўриқлаш бош бошқармаси бошлиғининг  
2019 йил “07” даги 42-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан  
жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА**

Самарқанд шаҳар

3/1

2022 йил 05 январ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувч подполковник Р.М.Номозов (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Самарқанд вилоят «Сувоква» давлат унитар корхонаси Самарқанд шаҳар филлали номидан низом асосда фаолият юритувчи Самарқанд вилоят «Сувоква» давлат унитар корхонаси директори К.Ш.Юсупов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани кўйидагилар ҳакида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи Миллий гвардия қўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва сокчилик қўриқлаши қўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТКП деб юритилади) фойдаланган холда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. Буюртмачи Самарқанд шаҳар Чўпан-ота масканида жойлашган Чўпан-ота сув тармоқлаш иншоатини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) 3 (уч) та 24 (йигирма тўрт) соатлик ва Самарқанд тумани Ўзбекистон махалласида жойлашган Даҳбед сув тармоқлаш иншоатини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) 2 (икита) та 24 (йигирма тўрт) соатлик Миллий гвардия сафдаги қўриқлаш хизмати орқали қўриқлаш учун Ижрочига топширади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми хисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жихозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан холлар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жихозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган холда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 5 иш куни ичida Миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга кўйилади.

Объектда сокчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга 5 иш куни ичida йўлга кўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, кўйилган Ижрочи эса чакириб олинади.

### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос холда қўйидагича хисобланади:

пост-соат хисобида кўриқлаш хизмати ойига 322 911 850 (Уч юзи йигирма икки миллион туккиз юз ун бир минг саккиз юз эллик сўм) сўм. 12 ойга 3 874 942 (уч милярд саккиз юз еттмиш турт миллион туккиз юз кирқ икки минг) сўм

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофик ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда СМЕТА-ХИСОБИ кайта тузилади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, \_\_\_\_\_ кун ичida мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи микдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичida аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳаклидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича кайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### 4-боб. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қўйидаги хукукларга эга:

Ижроидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнда Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича кераклиchorалар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқла ган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланган 2022 йил « » даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постларо алока, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончasi, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий кимматликларни объект худудининг девор тўсигидан \_\_\_\_\_ метр узокликда (объект жойлашувини хисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустахкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳукуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳакида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида \_\_\_\_\_ кун олдин огоҳлантириш; объектда иш куни якунидаги кўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳакда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар обьектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳакида ТКПни хабардор килиб, 5 дақиқадан сўнг обьектнинг кўриқлашга қабул килингандиги ҳакида ишонч хосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган хар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг обьектда колишига йўл қўймаслик;

кўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо кўйиш йўли билан обьектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тутагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳакида ёки обьектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва обьектга Ижрочи вакили етиб келгунинг қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимиши, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини обьектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳукуқлари:

Буюртмачидан обьектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш;

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

обьектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ обьектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланадиган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

обьектда кириш-чиқиш ва обьект ички тартибига риоя этиш, обьект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган обьектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан обьектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва обьектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва обьектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакириши, текшириш натижалари ва обьектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда обьектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар хақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техникавий жихатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳакда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланадиган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарап тўғрисида Миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш;

#### 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочи ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.
19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарап учун моддий жавобгар бўлади.
- Ижрочининг айби билан зарап етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарап тўлиқ миқдорда қопланади.
- Ижрочининг айби билан етказилган зарапнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарап миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарап миқдори суднинг қарори билан аниқланади.
22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарапни қопламайди:

ижрочи шартнома а кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда; буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқлади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати хисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимиралиши ва бошка табиий ҳолокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Якуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум килмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равиша огохлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузо Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлам бекор килишга ҳақли.
34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишида маълум қилади.
35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун хужжатларига мувофиқ хукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.


### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

#### Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Самарқанд вилоят Кўриқлаш  
бошқармаси  
Самарқанд ш. Т. Малик кучаси 12 уй  
х/р 21596000800470456001  
МФО: 00022, XKKM  
ХККМ «Марказий банк»  
Самарқанд вилоят бўлими  
ИНН: 201214264  
ОКЭД 84240



Бошқармада бўшлиғи  
подполковник  
Р.М.Номозов



#### Буюртмачи

Самарқанд “Сув таъминот” Маъсулияти  
чекланган жамияти  
Манзил; Самарқанд шаҳар Ўзбекистон  
кўчаси 114 А уй

Самарқанд СУВ ТАЪМИНОТ  
Самарқанд ул Узбекистанская 114 А  
тег. об 237-04-08, 66237-48-85  
С 20208000300307743001  
Сам. обн отд. АКИБ “Ипотека банк”  
Самарқанд МФО 00312  
ЧН 200613125 ОКЭД 36000

#### Директор

К.Ш.Юсупов